ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

М.Мамажонов

В статье освещаются основные направления государственной политики, проводимой Республикой Узбекистан в сфере социальной защиты населения.

The article describes the main trends in the state policy promoted by the Republic of Uzbekistan in the sphere of social support of its population.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ривожланаётган мамлакатлар кўпгина иқтисодий-ижтимоий муаммоларга дуч келади, уларнинг бартараф этилиши ижтимоий иқтисодиёт шаклланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Мамлакатимизда бундай муаммоларга ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг аҳоли жон бошига ҳисоблаганда кескин пасайиб кетиши, аҳоли реал даромадларининг, бандлик даражасининг пасайиб бориши кабиларни киритиш мумкин. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги иқтисодий қийинчиликлар мамлакат ижтимоий соҳаларининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Реал иш ҳақи, ижтимоий суғурталашнинг пасайиши ва жамғармаларнинг қадрсизланиши сабабли аҳолининг турмуш даражаси ёмонлашди. Бу даврда аҳолининг даромадлар бўйича табақалашуви, ишсизликнинг ортиб бориши ижтимоий иқтисодиётнинг бундай муаммолари сабабларини чуқур таҳлил этиш ва уларни бартараф этиш механизмини ишлаб чиқишни тақозо этди.

Ҳар бир мамлакат иқтисодий тараққиётининг маълум босқичида ижтимоий ривожланишдаги устуворликларини илгари сургани каби мамлакатимиз ҳам ўзининг миллий иқтисодиётидаги ўзига хос бўлган тараққиёт йўлини белгилаб олди, аҳолининг фаровонлигини таъминлаш бўйича стратегик мақсадларни амалга ошириш сиёсатини, чора-тадбирларини режалаштирди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий муҳофаза сиёсати бандликнинг ўсиши, камбағалликни камайтириш ҳамда бошқа ижтимоий муаммоларни бартараф этиш механизмини яратиш имкониятларини инсонпарварлик даражасида таҳлил этишни тақозо этди.

Ижтимоий иқтисодиёт шаклланиши, такомиллашиши, ривожланиши жараёнида аҳоли даромадларининг тартибга солиниши энг долзарб вазифадир, чунки бу инсонларнинг шахсий истеъмолини қондиришнинг асосий манбаи ва аҳоли турмуш даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг даромадлари иқтисодиётнинг аҳволи ва самарадорлигини, жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг етуклик даражасини ҳам акс эттиради.

Аҳоли даромадларининг шаклланиши кўплаб омиллар таъсири остида юзага келади, жумладан, шахснинг ўзига боғлиқ бўлган омилларни, яъни унинг меҳнатга муносабатини, билими, касбий ва меҳнат салоҳиятини айтиш мумкин. Даромадларни шакллантиришда корхоналарнинг мулкчилик шакли, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, корхоналарнинг тармоқлари, жойлашган географик ўрни, жамоада ижтимоий меҳнат муносабатларининг ривожланганлиги каби омиллар ҳам ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Даромадлар таркиби ва манбалари кўп жиҳатдан давлат тузилиши, тизими ва иқтисодиётнинг самарадорлиги билан объектив боғлиқдир.

Аҳоли даромадларининг шаклланиши ва фойдаланилиши жараёни ижтимоий ривожланишнинг ҳар бир босқичида ўз хусусиятларига эга бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда аҳолининг шахсий даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар юз берди. Аҳоли даромадларининг ҳозирги таркиби манбаларнинг турли-туманлиги билан фарқланади. Анъанавий манбалар қаторига тадбиркорлик фаолиятидан қўшимча даромад топиш манбалари киради. Ўзбекистон аҳолисининг даромадлари таркибида асосий ўринни иш ҳақи эгаллайди. Мустақилликка эришилган дастлабки йилларда мехнатга ҳақ тўлаш бирмунча пасайган бўлса-да, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси давлатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг доимий эътибори ва кучли назоратида бўлганлиги сабабли кам таъминланган оилалар, фуқаролар доимий ҳимояланиб келинди.

Аҳоли даромадларини янада ошириб бориш сиёсати қуйидаги устуворликларни ўз ичига олиши лозим:

биринчидан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш асосида аҳоли бандлик даражасини ошишига эришиш;

иккинчидан, бозор талабларига тўлиқ мос равишда ишчи ва ходимлар иш ҳақининг ўсиш даражасини ошириб бориш**;**

учинчидан, мехнат даромадларини тартибга солиш воситаси сифатида минимал иш ҳақининг ролини кўтариш;

тўртинчидан, иқтисодиётнинг бюджет секторидаги иш ҳақини ошириш.

Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг фармонларига биноан иш ҳақи, нафақа, стипендия каби тўловларнинг мунтазам равишда ортиб бориши ижтимоий ҳимоянинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ижтимоий иқтисодиёт концепсияси халқ фаровонлигини ошириш, камбағаллик ва кам таъминланганликнинг ўсишига йўл қўймаслик зарурлигидан келиб чиқади, шунинг учун ҳам республикамизда ўтказилаётган ислоҳотлар аҳоли даромадига нисбатан мослашувчан сиёсат ўтказишни мақсад қилиб қўйган.

Ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг муҳим йўлларидан бири аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳисобланади, ислоҳотлар чуқурлашуви ва бозор иқтисодиётига ўтилишига қараб аҳолини ижтимоий ҳимоялаш механизмлари, шакллари ва тенгсизлик ҳамда камбағалликнинг қисқариши усуллари ўзгаради ва такомиллашади.

Мамлакатимизда ўтиш даврининг биринчи босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг барча тизимлари аста-секин ўзгартирилиб, унинг ижроси амалга оширилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашдаги тадбирларни амалга ошириш жараёнида кам самарали шакллар бартараф этилди ва янги илғор тажрибалар жорий этилиб, амалга татбиқ этилди.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёрдам дастури асосига камбағаллик юкини енгиллаштирувчи аниқ мақсадли вазифалар қўйилди. Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг янги дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва бунинг узлуксизлигини таъминлашга қаратилди. Аҳолини социал ҳимоялашнинг ҳозирги тизими давлат бюджети маблағларидан молиялаштириш билан биргаликда, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва ҳайр-эҳсон фондларининг маблағлари ҳам қамраб олади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастурининг амалга оширилишида ҳукумат махсус қарори билан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳуқуқлари бирмунча кенгайтирилди ва жавобгарлиги оширилди.

Ҳозирги вақтда давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий базаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ночор қатламини якка тартибда ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони бўлиб, унда аҳолини социал ҳимоялашнинг асосий вазифалари, бунда оила, аёл, маҳалла, маҳаллий ўз-ўзини бошқарувчи идоралар, фондлар ролини ошириш белгиланган. Фармон ҳозирги даврда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Милий дастури асосида қуйидаги йўналишларни аниқлайди ва ҳаётга татбиқ этади:

- нафақа тизимини такомиллаштириш, жамғариш тизимини аста-секин жорий этиш;
- қарияларга, боқувчисини йўқотганларга эътиборни кучайтириш, яшаш учун кўпроқ қулайликлар яратиш, имтиёзлар бериш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш;
- аёллар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг соғлиги, моддий фаровонлиги, соғлом фарзандларни тарбиялашлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, бола тарбияси билан банд бўлганларида нафақа билан таъминлаш ва иш ўринларини сақлаш;
- оила манфаатларини ҳимоя қилиш, оилани мустаҳкамлаш бўйича алоҳида тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни жойларда амалга ошириш, ёш оилаларга оилаларини тиклашлари учун имтиёзли кредитлар бериш;
- мактаб ёшидаги болаларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, бошланғич синф ўқувчиларини бепул ўқув қуроллари билан, етим болалар ва болалар уйида тарбияланувчиларни бепул кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарурий нарсалар билан таъминлаш;
- меҳнатга лаёқатли аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш, меҳнат ресурсларининг йил сайин ошишига мувофиқ равишда қўшимча иш ўринларини яратиш. Бу масаланинг ечимини топиш учун кичик корхоналарни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини заводларни қуриш, уларнинг технологик қурилмаларини олиб келиш ва ишга тушириш ҳамда

хусусий ва оилавий тадбиркорликни, миллий хунармандчиликни ривожлантиришга имкониятлар яратиш;

- ижтимоий соҳаларни ривожлантириш йўналтирилган давлат бюджет маблағларини ошириш, шунингдек, нодавлат фондлардан, корхона, жамоат ташкилотлари имкониятларидан болалар муассасалари, мактаб, соғлиқни сақлаш объектлари, маданият ва болалар дам олиш масканларини қуришда самарали фойдаланиш;
- аҳолини якка тартибда ижтимоий ҳимоялашни ташкил этишда асосий марказ ва бўғин ҳисобланган маҳалла ролини кучайтириш. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда миллий урф-одатларимиз, милий қадриятларимиз, анъаналаримиздан фойдаланиш ҳам ижтимоий муҳофазанинг энг самарали ва беминнат воситаси ҳисобланади. Жумладан, сармоядор аҳоли қатламининг қарияларимизга, ногиронларга, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, меҳр-мурувват кўрсатиши жуда яхши анъаналаримиз ҳисобланади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини эркинлаштиришнинг кенг дастурини амалга ошириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни бошқариш тизимини кучайтириш билан тавсифланади.

Ижтимоий ҳаётнинг эркинлаштирилиши аҳолини ижтимоий муҳофазалашда қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилишини назарда тутади:

- ижтимоий ҳимоя асосий принципларининг умумийлиги шароитида аҳолининг турли ижтимоий-демографик қатламлари ва гуруҳларига табақалашган ҳолда ёндашишни кучайтириш;
- мамлакат, ҳудуд, меҳнат жамоасининг ҳуқуқ-мажбуриятлари ва вазифаларини, шунингдек, маблағ билан таъминлаш манбаларини аниқлаган ҳолда ижтимоий кафолатлашнинг ягона тизимига бирлаштириш;
- аҳоли турмуш даражасини ошириш, унинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий муҳофазалаш ва қўллаб-қувватлаш ресурс базасини кафолатлаш;
- ижтимоий кафолат тизимининг эластиклиги (эгилувчанлиги), ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлар тизимининг самарадорлигини ошириш;
- ижтимоий ҳимоялашда жамоат ташкилотлари ва ҳомий фондларнинг иштирокини кучайтириш;
- ижтимоий ҳимояга йўналтирилган маблағлардан фойдаланувчи асосий бўғин бўлган оила ролини ошириш;
- ижтимоий ҳимоялашнинг якка тартиб турини кучайтириш.

Ҳозирги кунда аҳолининг барча муҳтож қатлами давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимоя тадбирлари билан қамраб олинган. Хулоса қилиб шуни эътироф этиш мумкинки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб боришда ижтимоий-демографик ва иқтисодий жараёнларни инобатга олиш инсон ҳақида қайғуришнинг муҳим шартидир.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2003 йил.
2.“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. / Халқ сўзи.- 1998.- 22 май.
3.“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.- Т., 1993
4.“Фуқароларнинг жамғарилиб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.- 2004.- № 10-11.
5. Абдураҳмонов К.Х. Меҳнат иқтисоди ва социологияси.- Т., 2004
6. Саидов К.С. Социальная экономика. // Экономический вестник Узбекистана.- 2004.- № 9-10.
7. Муҳитдинов Х. Социал инфратузилма ривожланишининг бошқариш модели. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.- 2004.- № 5-6.

Андижон давлат университети,
2012 йил 25 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Р.Қодиров)